

ФРАНЦУЗ ГАЗЕТАСИ САРЛАВҲАЛАРИНИНГ ЛЕКСИК ТАРКИБИ

Мақсуда Жўраева

Бухоро давлат университети

Француз филологияси кафедраси ўқитувчиси

E-mail: m.m.jo'raeva@buxdu.uz

Аннотация: Ушбу мақолада матбуот сарлавҳалари функциялари, яхши титрлар яратиш, француз матбуоти сарлавҳаларида нутқ фигураларидан фойдаланиш стратегиясини яхшироқ тушуниш, газеталар сарлавҳаларининг қозғов ва онлайн версиялари ўртасидаги фарқлар ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: лексема, метафора, таиҳис, таққослаш, восита, тузилма, нутқ таркиби, тасвир.

Аннотация: В этой статье обсуждаются функции заголовков в прессе, создание хороших заголовков, лучшее понимание стратегии использования фигур речи в заголовках французской прессы, а также различия между бумажными и онлайн-версиями газетных заголовков.

Ключевые слова: лексема, метафора, диагностика, сравнение, средство, структура, структура речи, образ.

Annotation: This article discusses the functions of headlines in the press, creating good headlines, better understanding the strategy of using figures of speech in headlines in the French press, and the differences between paper and online versions of newspaper headlines.

Key words: lexeme, metaphor, diagnostics, comparison, means, structure, speech structure, image.

Бугунги кунда сарлавҳалар одатда барча тилларда, шу жумладан, француз матбуотида ҳам ноанъанавий бўлган моделлар асосида тузилмоқда. Сарлавҳанинг мақсади, авваламбор, янгиликлар матнининг қисқача мазмунини аниқ етказиши, ҳамда ўқувчи эътиборини жалб қилиш ва шу орқали унга маълум даражада таъсир кўрсатишдан иборат бўлади. Сарлавҳаларнинг лўнда ва аниқлиги нафақат сўзларнинг сони билан, балки лексемаларнинг қай даражада информативлиги ва бу лексемаларнинг ўзаро қандай боғланганлиги билан ҳам тавсифланади.

Тил бойликларидан ҳар ким ўзича фойдаланиб сўзлайди. Бир тур сўзлар ва тилга тегишли бошқа белгилар бир нутқда кўпроқ ишлатилгани ҳолда бошқа

нутқда учрамайди. Бошқа бир нутқ ўзининг сўз бойлиги ва гапларнинг курилиши, оҳанги билан учинчи бир нутқдан ажралиб туради.

Газеталар ўз хабарларини етказиш учун турли хил лингвистик воситалардан, масалан, луғатлар, сифатлар, шартли эргаш гаплар, таққослаш, метафора, ташхис, антитезалардан фойдаланилади. Биз ушбу мақоламизда француз газета сарлавҳалардаги ахборотларнинг лексик таркибини айрим француз газеталари мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Мақола сарлавҳаларида сўзларнинг кетма-кет қайта ишлатилиши, такрорланиши газетхон диққатни тортиши табиий. Никол Рикаланс - Пуршо (Nicole Ricalens - Pourchot) ўзининг “Dictionnaire des figures de style” асарида бундай такрорларнинг қатъиятнинг кучли таъсирини яратишда, афсусланиш, чарчаш, ғазаб ва ҳатто истехзони ифодалашда хизмат қилишини таъкидлайди: *“Consiste à réutiliser consécutivement des mots d'un intérêt marqué et dont la répétition attire l'attention créant ainsi un puissant effet d'insistance, traduisant le regret, la lassitude, l'exaspération, l'indignation... et même l'ironie. Ces mots se répètent en général sans coordination ni conjonction”*¹

(1) Le faux chômeur traquait les faux chômeurs (Le Canard enchaîné N° 4976)

(2) La déchéance de la déchéance (Le Canard enchaîné, n° 4976)

(3) Deux Rémi, deux (L’OBS, édition n° 2678)

(4) Unédic : ce directeur fraudeur qui traquait les fraudeurs (Le Canard enchaîné n° 4976)

(5) « La primaire de la droite aura lieu sans nous. Ce sera la primaire de la droite, pas du centre ». (Libération, n° 10824)

Ушбу мисолларда, faux chômeurs такрорланган ва тўртинчи мисолда “fraudeur” истехзо таъсирини яратиш учун такрорланган. Иккинчи мисолдаги “déchéance” лексемасининг такрорланиши унинг маъносини икки барабар кучайтириб, ўқувчида фавқулудда ҳолат режимини қўллашни назарда тутувчи конституциявий ўзгартириш лойиҳасига оид мақола мазмунига қизиқиш уйғотади. Учинчи мисолдаги “deux”, бешинчи мисолдаги “la primaire de la droite” сўзининг такрорланиши кишига қатъийлик таъсирини англатади.

Янги сўзларни шакллантириш учун яна бир нутқ шаклини ҳам кўрамиз. Бу неологизм: Француз изоҳли луғатига кўра “Emploi d’un mot nouveau (soit créé, soit obtenu par dérivation, composition, troncation, siglaison, emprunt, etc..., néologisme de forme) ou emploi d’un mot, d’une expression préexistants dans un sens nouveau”. Масалан: L’émergence du «trumpisme » (Le Monde, n° 22131) ҳайратланарли ёки кулгили. Хорижий сўзлар ҳам қўлланилади, айниқса, баъзан мамлакатларни ўзгартирганда ўз маъносини шунчалик ўзгартирадиган инглизча сўзлар, уларни ҳақли равишда “franglais” деб аташ мумкин. (Danièle Thibault,

¹ Nicole Ricalens - Pourchot, Dictionnaire des figures de style, Paris, Armand Colin, 2011. p. 96.

Explorer le journal, 1976, 63). “In vino veritas”(Лъэхпресс, Н° 3374) каби лотинча ибораларни ишлатадиган сарлавҳалар ҳам мавжуд (маъноси: шаробда, ҳақиқат), агар сиз бу иборани илгари билмаган бўлсангиз, тушуниш қийин бўлади.

Қиёслаш, солиштириш энг машҳур нутқ шаклларида биридир. Николь Рикаланс Пуршонинг фикрига (Nicole Ricalens-Pourchot) кўра “*Le but de la comparaison est de mieux dégager l’aspect, le sens de l’objet comparé (personne, animal, objet, pensée). Une comparaison complète comprend généralement quatre éléments : 1. Le comparé ou thème, 2. Le comparant ou phore, 3. L’outil de comparaison, 4. Le point de comparaison*” (2011: 54) “Таққослашнинг мақсади таққосланаётган объектнинг (одам, ҳайвон, нарса, фикр) жиҳатини, маъносини яхшироқ аниқлашдир”.

Ив Агнес (2002: 177) таъкидлаганидек, таққослаш ўқувчи учун дарҳол тушунарли бўлган нарсага мурожаат қилиш орқали нимани назарда тутмоқчи эканлигини аниқ кўрсатишга имкон беради . Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин:

(1) Duras, comme tout le monde (Le Monde, n° 22131)

(2) A Yagusi, un parc pensé comme un tableau vivant (Le Figaro, n° 22265)

(3) Tel un saint, Raphael s’entoure d’anges chanteurs à Fréjus (Var-matin, jeudi 10 mars 2016)

Юқоридаги учта сарлавҳада ҳам таққослаш **comme, tel** воситаси мавжуд. Таққосланмиш Duras, un parc, Raphael; таққосланувчи: *tout le monde, un tableau vivant* ва *un saint*. Ушбу учта сарлавҳада ҳам умумий фикр етарли даражада ифодаланмаган, назаримизда. Нутқ шаклидаги ва грамматик таққослаш ўртасида фарқ мавжуддир. Риторик таққослаш - бу икки хил семантик соҳага тегишли бўлган, аммо ўхшашлик нуқталари мавжуд бўлган иккита ҳақиқатни боғлашдан иборат нутқ услуби, грамматик таққослаш эса мисолдаги каби бир хил соҳадаги иккита ҳақиқатни бир текисликка қўяди : “Demain sera plus beau qu’hier” (L’express, n° 3375). Бу мисолдаги таққослаш фақат гапнинг Demain ва hier икки вақт элементи ўртасидаги устунлик муносабатини кўрсатишга имкон беради.

Таққослаш воситасисиз иккита фикрни бирлаштирадиган усул метафорадир. Яъни, метафора — кўчириш, кўчим маъносини англатади. Сўз ёки иборани ўхшашлик ёки ўхшатишга асосланган кўчма маънода ишлатиш ва шундай маънода қўлланган сўз ёки ибора ҳисобланади. Бу аниқ тавсифловчи луғат билан ифодаланганидан кўра бойроқ ва мураккаб фикрни таржима қилиш учун бошқа лексик соҳага тегишли бўлган бир атамани бошқаси билан боғлайдиган таққослаш воситасисиз тасвирнинг маълум бир туридир.

Гревисснинг метафора атамасига берган таърифига кўра “*Lorsqu’il y a passage d’un sens à un autre (qu’on appelle figuré) simplement par la présence d’un sème commun et Dans plus d’un cas, le sème commun n’est pas de ceux que les dictionnaires explicitent dans leurs définitions. On pourrait dire que les lexicographes*

sont plus attentifs à donner une définition exacte du point de vue scientifique qu'une définition qui concorde avec le sentiment linguistique de l'utilisateur moyen. Mais il semble que la métaphore parte souvent d'une qualité secondaire, ressortissant plus à la connotation qu'à la dénotation"¹. “Бир маънодан иккинчисига ўтиш (бу кўчма маъно деб аталади) оддий семанинг мавжудлиги билан содир бўлганда ва бир нечта ҳолларда умумий сема луғатларда ўз таърифларида аниқ кўрсатилмаган. Айтиш мумкинки, лексикографлар ўртача фойдаланувчининг лингвистик туйғусига мос келадиган таърифдан кўра, илмий жиҳатдан аниқроқ таъриф беришга кўпроқ эътибор беришади. Аммо метафора кўпинча денотациядан кўра кўпроқ коннотацияга тегишли бўлган иккинчи даражали сифатдан бошланади”. Нутқ услублари луғатида метафора қуйидагича таърифланган: “*Cette figure consiste en un rapprochement de deux réalités distinctes. Il s'agit du remplacement du mot “normal” par un autre mot appartenant à un champ sémantique (= ensemble structuré de sens) différent mais tous deux présentant des similitudes*”². “Бу шакл икки хил фарқнинг яқинлашувидан иборат. Бу “нормал” сўзининг бошқа семантик соҳага тегишли бўлган бошқа сўз билан алмаштирилиши (= тузилган маънолар тўплами), лекин иккаласи ҳам ўхшашликни кўрсатади”.

Қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин:

- (1) Vaccins : Sanofi Pasteur et Merck divorcent à l'amiable (Le Monde, n° 22130)
- (2) SNCF, EDF : l'Etat accusé de tirer sur la corde (Le Monde, n° 22131)
- (3) Pablo Isla, le « chef d'orchestre » de l'espagnol Zara (Le Monde, n° 22130)
- (4) La Banque centrale européenne sort l'artillerie lourde pour relancer l'activité et les prix (Var-matin, 11/3)
- (5) « Pour les jeunes, le portable est une immense agora » (L'OBS, édition n° 2678)
- (6) Feu vert de Bruxelles pour le partenariat franco-chinois entre EDF et CNG (Varmatin, vendredi 11 mars 2016)
- (7) Chômage, la patate chaude (L'express, N° 3375)
- (8) Papas gâteaux (L'OBS, édition n° 2679)
- (9) Bras de fer autour de LCI (L'express, N° 3374)
- (10) C'est le printemps pour la République ! (L'express, N° 3375)

Биринчи мисолда француз Санофи Пастеур ва Америка Мерск компаниялари Францияда вакциналар соҳасида йигирма икки йилдан бери мавжуд бўлган Санофи Пастеур-МСД қўшма корхонасини тугатишга қарор қилишганини айтиш учун “*divorcent à l'amiable*” тасвиридан фойдаланилган. Шунингдек, 2, 4, 6, 8, 10 мисоллар ўхшашдир. Иккинчи мисолдаги “*tirer sur la corde*” (*Abuser d'un avantage, abuser de la patience d'une personne*) тасвири СНСФ

¹ Maurice Grevisse et André Goosse, Le Bon usage, 2011, p. 227.

² Nicole RicalensPourchot, Dictionnaire des figures de style, Paris, Armand Colin, 2011. p. 61

ва ЭДФ иккита компаниядаги Давлат иштирокларининг қийматини йўқотишини ифодаловчи лексик феъл иборага эга метафора билан қўлланган.

Тўртинчи мисолдаги “*sort l’artillerie lourde*” ҳаракати Европа Марказий банки эвро ҳудудидаги фаолликни жонлантириш мақсадида иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун бир қатор янги чоралар кўрганлигини англатади. Ушбу сарлавҳада ЭСБ ҳаракатини жангга барча кучларини жалб қиладиган генерал билан солиштирилгани кўриш мумкин.

Олтинчи мисолдаги “*feu vert*” Брюсселнинг Электрисите де Франсе (ЭДФ) ва Хитойнинг СГН компанияси томонидан тузилган ҳамкорликка рухсатини билдириш учун мўлжалланган.

Саккизинчи мисол болалари билан ғамхўр ва саховатли отанинг лексиклаштирилган метафорасидир. Тўққизинчи мисолда қўл жанги спорт ўйини тасвири билан “*Bras de fer*” лексиклаштирилган метафорадан фойдаланиш ТФ1 ва ССА ўртасидаги қаттиқ музокаралар фонида ЛСИни ўрнатишда Селин Пигалленинг нозик вазифасини кўрсатади. Ўнинчи мисолда Гиллес Клавреул ташаббуси билан учинчи февралдаги ташаббус ҳаракатини белгилаш учун “*le printemps*” тасвиридан ҳам фойдаланилган.

Машҳур француз философи Поль Рикёرنинг (Paul Ricœur) ифодасига кўра, тирик метафора ўзига хос ва янги метафора бўлиб, лексиклашган метафора бўлган, яъни луғатда маъноси эътироф этилган ва кўп қўлланиладиган ўлик метафора билан қарама-қарши қўйилади. Қуйидаги иккита мисол бунини тасдиқлайди:

(11) Chassé-croisé à l’assemblée (L’OBS, n° 2678)

(12) Un couple qui brûle d’ambition (Le Monde, n° 22130)

Ўн биринчи мисолдаги метафора жуда лексиклаштирилган: қабул қилувчи аниқ нарсани кўради, лекин аслида икки соҳа йўқ. Журналист “chassé-croisé” сўзидан Мерлиз Лебранчэнинг ҳукуматдан четлатилганидан ва унинг ўрнига келган одам кетганидан бир ой ўтиб, 12- март куни Миллий ассамблеядаги ўз ўрнига қайтиши ҳақида гапиргани сарлавҳада англашилади.

Ўн иккинчи мисолда “*du feu pour l’ambition*” тасвиридан фойдаланиш билан кенг тарқалган метафорадир: иккала соҳа ҳам қабул қилувчи томонидан идрок этилади. Ушбу сарлавҳадаги “*un couple*” Девид Теннант (Буюк Британия савдо вазири) ва унинг рафиқаси Эмили Уотсонга (таълим бўйича давлат котиби) тегишли. Юқоридаги мисолларимизда 1, 2, 3, 4, 6, 8, 9 ва 10 мисолларда қўлланган метафоралар оддийроқ, 5 ва 7-мисолларда эса ўзига хосликни кўриш мумкин. Метафоранинг газета сарлавҳаларида қўлланилиши ўқувчи эътиборини тортади ва мақола мазмунини олдиндан ёритади. Ўхшатиш сингари, метафора ҳам тасвирий аҳамиятга эга. Икки нарса, иккита сезги, иккита ғоя ўртасидаги боғлиқлик ўзига хосликга сабаб бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, ёзма матбуот кўплаб ижтимоий ўзига хосликларни ифодалаш учун хизмат қиладиган лексик ижодкорлик ва тил эркинлиги амалга ошириладиган энг зўр жойдир. Бизнинг танлаган газеталаримиз, танлаган сарлавҳаларимиз журналистларининг, муаллифларнинг неологизмлардан фойдаланишга мурожаат қилишлари бу - лингвистик янгиланиш усулининг ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Jurayeva M.M. For the functional and discourse analysis of the french press headlines //O‘zbekiston milliy universiteti xabarlari, 2022, [1/12/1]. Toshkent, 2022. – B.: 232
2. Жўраева М.М. Лингвوماданий ёндашув ҳақида. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш истиқболлари. Конференция материаллар тўплами. – Тошкент, 2016. – Б.153–59 2.
3. Kuldasheva N.B. Theoretical View Points of Linguists on Terminology // International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, Issue: 12 Volume: 80, 2019. <http://TScience.org>. 3.
4. Jurayeva Maksuda Mukhammadovna “MEDIA RELATIONS IN FRENCH DISCOURSE” MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970 VOLUME 12 MAY 2021.
5. Bobokalonov O. Lexico-semantic features of medical plants in uzbek and french languages. Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences | Published by the Open Conference, 19, 2021 – P. 54-56.
6. Jo‘rayeva Nilufar Shuxratovna “Chet tilini o‘qitishda zamonaviy yondashuvlar” Материалы конференции Modern scientific challenges and trends 2021\4 tom3 96-99-b.
7. Myspace.com 2003 Myspace.com a place for friends // Forum des amis Электронный ресурс. - 2003. - Режим доступа: <http://profile.myspace.com/index.cfm?fuseaction=user.viewprofile&friendid=82907300>, свободный доступ.
8. Camille [Electronic resource].URL: [http://fr.wikipedia.org/wiki/Camille_\(chanteuse\)](http://fr.wikipedia.org/wiki/Camille_(chanteuse)) (дата обращения : 25.02.2012).
9. Capri Agnès [Electronic resource].URL: http://fr.wikipedia.org/wiki/Agnès_Capri (дата обращения: 25.02.2012).